



**Профилактика инспекторларида ватанпарварликни, умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурматни юксалтириш тушунчаси ва аҳамияти.**

*Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖХХХПБ*

*ўринбосари ХП фаолиятини таъкил этиши*

*бўлими бошлиғи, майор*

**Жумамуратов Саламат Жумабай улы**

**Аннотация:** ушбу мақолада профилактика инспекторларида ватанпарварликни, умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурматни юксалтириш тушунчаси ва уни юксалтириш йўллари баён этилган.

**Калим сўзлар:** ватанпарварлик, миллий қадриятлар, профилактика инспекторининг умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурматни юксалтириш , ҳалқ ишончи.

**Аннотация:** в данной статье описана концепция повышения патриотизма, уважения к общечеловеческим и национальным ценностям среди инспекторов-профилактиков и пути его повышения.

**Ключевые слова:** патриотизм, национальные ценности, повышение уважения к общечеловеческим и национальным ценностям инспектора профилактики, общественное доверие.

**Abstract:** this article describes the concept of increasing patriotism, respect for universal and national values among preventive inspectors and ways to increase it.

**Key words:** patriotism, national values, increasing respect for universal and national values of the prevention inspector, public trust.



Профилактика инспекторларининг ватанпарварлик, умуминсоний ва миллий кадриятларини шакллантириш жараёнида уларда умуминсоний ахлоқий дунёқарашларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ватанпарварлик аввало ватан ўзи нима деган саволга жавоб топишдан ва уни англашдан бошланади. «Ватан» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «она юрт» деган маънони англатади. Ватан инсоннинг киндик қони тўкилган жой, инсонни ижтимоий етимликдан асровчи манзил, ҳар кимнинг бирлигини қадрловчи, ўз-ўзига сиёсий беклигини ифодовловчи заминдир. Инсонларнинг ватанпарварлиги ҳамма вақт севимли халқнинг шон-шарафи, қадр-киммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда ўз ифодасини топади. Ватан ҳисси - шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни билишдан унинг қадрига етишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади.

Профилактика инспекторининг Ватанпарварлиги унинг Ватан туйғусини қанчалик билиши билан баҳоланади, ватан туйғуси бу - аждодларимизнинг Ватан дея, унинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилганликларини, жабрситам, зулмга учраганликларини ёд этиш, мустақил, озод ва обод Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлишдир. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” деб белгиланганлиги ва мазкур норма умуминсоний ва миллий кадриятлар давлат томонидан ҳимоя қилинишини ҳамда улуғланишини кўрсатади, шу жумладан 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт” белгиланган.



Профилактика инспекторининг умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурматни юксалтириш эса, уларда касбий билим ва малакаларини шакллантириш, хизмат фаолиятини сидқидилдан, виждонан бажаришларини таъминлайди.

Профилактика инспекторларининг ҳалқ ишончини қозониши, хизмат фаолиятини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади ва Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва ҳалқ фаровонлигини таъминлашда алоҳида ўринни эгаллайди, шунини алоҳида такидлаш лозимки профилактика инспектори хизмат ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг урф-одатларини ҳурмат қилиши бу жараёнда асосий ўринда туриши лозим.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда профилактика инспекторининг умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурматни юксалтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: - ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва уни шахс ҳаёт тарзига айлантириш; - тинчлик учун курашнинг ҳар бир шахс ижтимоий-сиёсий, ҳаётий эҳтиёж мазмунига айланиши; - эл-юрт фаровонлиги учун фидоийлик хусусиятларининг шаклланиши ва амалий фаолият асосига қўйилиши; - миллатлараро ва динлараро бағрикенглик ҳислатларининг амалий фаолият дастурга айланиши; шахсий ва ижтимоий гуруҳ манфаатлари тизимида ҳалқ, миллат манфаатлари устуворлигини таъминлаши; - миллий ғоянинг асосий ва таркибий қисми бўлган, тарихий қадриятларимизни сақлаш ва жамият тараққиётига мос равишда ривожлантириш.

“Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одати ва анъналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш” ни назарда тутса, иккинчи томондан, “Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида барча давлатлар билан тенг



ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик, умуминсоний кадриятларга содиқлик, тинчлик ва хавфсизликни асраб-авайлаш, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги каби тамойилларга амал қилади”. Профилактика инспекторининг умуминсоний ва миллий кадриятларга ҳурматни юксалтиришда шахсий намуна бўлиши ҳар бир ходимдаги ваианпарварлик туйғуси шакилланганидан келиб чиқади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);
2. <http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);
3. <http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);  
<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);
4. <http://www.tsil.uz> (Тошкент давлат юридик университети);  
<http://uzsci.net> (Илмий таълим тармоғи);
5. <http://www.ziyonet.uz> (Ахборот таълим тармоғи)